

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.T.03.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАБИЕВ АБДИМИТАЛ

**ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ АМАЛИЁТИДА
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ
(“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика”
фанлари мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(техника фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (Doctor
of Science)**

Contents of dissertation abstract of doctor of science (Doctor of Science)

Набиев Абдимитал

Янги авлод ўқув адабиётларини яратиш технологиялари ва таълим-тарбия амалиётида фойдаланиш методикаси (“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида) 3

Набиев Абдимитал

Технологии создания учебников нового поколения и методика использования в практике образования и воспитания (на примере предметов “Сопротивление материалов” и “Техническая механика”)... 29

Nabiyev Abdimital

Technologies for creating textbooks of a new generation and methods of using the practice of education and upbringing (on the example of the "Strength of Materials" and "Technical Mechanics") 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.T.03.04
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НАБИЕВ АБДИМИТАЛ

**ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ АМАЛИЁТИДА
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ
(“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика”
фанлари мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(техника фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида DScB2021.1. DSc/Ped135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (tadqiqotchi@tdtu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Камолхон Аббасович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурбонов Мирзаахмад
педагогика фанлари доктори, профессор

Норхуджаев Файзулла Рамазанович
техника фанлари доктори, профессор

Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна
педагогика фанлари доктори, профессор
в.в.б.

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил “ 7 “ сентябрь соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (218 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел./факс): (99871) 227-10-32? e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил « 21 » августда тарқатилди.
(2021 йил “21 ” августдаги 126-рақамли реестр баённомаси).



Ю.Ф.Махмудов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Н.Дж.Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

С.М.Хасанов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.н., проф.

КИРИШ (фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида таълим мазмуни, шакли, сифати, самарадорлигига йўналтирилган ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш жараёнида замонавий таълим технологияларининг назарий-методологик жиҳатлари таҳлилий ўрганилиб, таълим жараёнига татбиқ этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ) томонидан Халқаро форумда қабул қилинган 2030 йилгача таълим декларациясида “... таълим сифатини ошириш ва шахснинг бутун умри давомида таълим олишини мувофиқлаштириш ва мониторингини ўтказиш” эътироф этилган бўлиб, малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнида замонавий билим-тажрибалар, таълим технологияси, инновацион ва интерфаол методлар, таълимнинг дидактик воситалари, ахборот технологияларидан фойдаланишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Халқаро ҳужжатнинг “Техникавий, касбий-техникавий ва олий таълим ҳамда катта ёшдагилар таълими” номли 12-бобида таълимнинг учта босқичи эътироф этилган. Ҳаёт суръатлари, халқаро меҳнат бозорида шиддат билан тезлашаётган глобаллашув: юқори технологиялар, ялпи ахборотлашув, иқтисодиётнинг реал тармоқларида рақамлаштириш даврида шахснинг “... бутун ҳаёти учун эмас, балки бутун умри давомида ўзининг билими, амалий кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантириш ва такомиллаштиришлари”да мустақил ва мунтазам таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Таълим назарияси ва амалиётида компетенциявий ёндашув негизида педагогик муаммоларнинг илмий таҳлил этилишида янги авлод ўқув адабиётларига қўйиладиган методологик, дидактик, мантиқий яхлитлик, амалиётга боғлиқлик каби талабларни такомиллаштиришга оид тадқиқот ишлари дунё амалиётида долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимининг моддий-техник негизини такомиллаштириш, таълим жараёнида хорижий тажрибалардан фойдаланиш ва нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. АҚШ, Россия, Франция, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Белоруссия, Латвия давлатларининг олий таълим муассасалари филиаллари, қўшма факультетлар, таълим марказлари ташкил этилди. Янги профессионал таълим тизими: техникум, коллеж, касб-хунар мактаблари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш...” устувор вазифа этиб белгиланган. Натижада, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан-техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари асосида таълим-тарбия жараёнида фойдаланилаётган ўқув адабиётларининг

янги авлодини яратиш ва улардан амалда фойдаланиш механизмини такомиллаштириш янада катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон ва 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон қарорлари, 2020 йил 24 январь ва 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномалари ҳамда ушбу фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида БМТ (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва бошқалар) томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепциясига мувофиқ, “Техникавий, касбий-техникавий ва олий таълим ҳамда катта ёшдагилар таълими”га мувофиқ, меҳнат бозоридаги эҳтиёжларга кўра, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ҳамда турли ёшдаги шахсларнинг “ҳаёт давомида ўзининг билими, амалий кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантириш ва такомиллаштириш” тамойилига мос юксак технология, ялпи ахборотлашув, иқтисодиётнинг реал тармоқларида рақамлаштириш жараёнларида ҳаётий долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий-амалий тадқиқот ишлари ва тизимли мониторинг ўтказилмоқда.

Таълим назарияси ва амалиёти, таълим сифатини бошқаришнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик концептуал асослари, ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий-педагогик ва дидактик асослари, компетенциявий ёндашув негизида таълим-тарбия беришнинг шакл ва методларини янада такомиллаштириш, электрон дарсликлар яратиш технологияси, масофали таълим имкониятлари, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (MIT), Stanford University, University of Connecticut of civil engineering, California Institute of Technology, New Jersey Institute of Technology, Bunker Hill Community College, Lane Community College (АҚШ), University of Cambridge, University of Oxford, University of Manchester (Буюк Британия), Technische Universität Dresden, Technische Universität Darmstadt, Technische Hochschule zu Darmstadt (Германия), École Polytechnique (Франция), Delft University of Technology (Нидерландия),

Technical University of Denmark (Дания), University of Tokyo, Kyoto University (Япония), Tsinghua University (Хитой), Korea Advansel Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), National University of Singapore (Сингапур), University of Melbourne, Newcastle University (Австралия) ҳамда МДХ мамлакатлари олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларида олиб борилмоқда.

Олий техника таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-методологик, илмий-педагогик ва дидактик асослари илмий тадқиқ этилиши баробарида машинасозлик, қурилиш ва транспорт каби соҳаларда муҳандис кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган “Mechanics of Materials” (University of Connecticut of civil engineering, New Jersey Institute of Technology) ва “Theoretischen Mechanik” (Technische Universität Darmstadt) номли дарсликлар яратилган; электрон дарсликлар яратиш технологияси, шунингдек, масофали таълим имкониятлари, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш (Effect reinforcement of loadbearing capacity of structural glass, Universite of California – Los Angeles, Case Study Method for Design Research, Mechanical Engineering Clemson University Clemson, New York, State of the Art and Future Trends in Material Modeling, University of Manchester, Using Assisment to Foster Creativity, World Scientific – Singapure, Инженерные расчеты в Mathcad (электрон ресурс) БНТУ, – Минск, Сопротивление материалов на базе "Mathcad" (+CD-КОМ) – Санкт-Петербург, Учебно-компьютерные программы при преподавании дисциплин “Сопротивление материалов” и “Строительная механика” – Томский ГАСИ) методикаси ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда таълим сифатини бошқаришнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик концептуал асослари, кадрлар тайёрлашдаги илмий-педагогик муаммолар ва йўналишлар Ш.Э.Қурбанов, Э.Сейтхалилов, Х.Саидов, Р.Ш.Ахлиддинов; касб-хунар таълими назарияси ва амалиёти, касбий педагогик фаолият муаммолари Р.Ҳ.Жўраев, Қ.Т.Олимов, З.Қ.Исмоилова, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлақов, Ҳ.Абдукаримов, Н.Ўразов, С.Ю.Ашурова, М.А.Давлятов каби педагог-олимлар тадқиқот ишларида илмий асосланган.

Ўқув дастурларини такомиллаштириш, янгидан шакллантириш, амалиётга татбиқ этиш, дарсликларни баҳолаш, таълим назарияси ва амалиётида ечимини кутаётган муаммолар У.К.Мусаев, Р.Ғ.Сафарова, Д.Шодиев, М.Рихсиева; таълим-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш самарадорлигини оширишнинг назарий-амалий асослари, педагогик шарт-шароитлари, шунингдек, электрон ўқув-методик мажмуалар яратишга илмий-методик талаблар Р.Ҳ.Жўраев, Н.А.Муслимов, Ғ.М.Зокирова, А.А.Абдукодиров, А.Р.Ходжабоев, Н.И.Тайлақов, Г.А.Расулова каби педагог-олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган.

Янги авлод ўқув адабиётларини яратишнинг илмий-педагогик ва дидактик асослари, электрон дарсликлар яратиш технологияси, масофали

таълим имкониятлари, дарсликлар сифатини+ баҳолашнинг назарий ва методик асосларига оид Қ.Т.Олимов, Н.И.Тайлаков, Р.Ғ.Сафарова; замонавий инновацион таълим технологиялари назарияси ва амалиёти Н.Х.Авлияқулов, Қ.Т.Олимов, Р.Ж.Ишмухаммедов, Н.Сайидахмедов, Ў.Толипов, М.Усмонбоева каби педагог-олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари эътиборга молик.

МДХ педагог-олимлари С.Антонова, В.П.Беспалько, М.А.Дубик, А.Кусанов, И.М.Осмоловская, В.М.Розин, А.В.Хуторской, Е.А.Пичкурина, В.С.Зайцев, Е.В.Завалишин, Г.К.Селевко, Е.Н.Овчинникова, М.А.Федорова, М.Г.Савельева ва бошқалар ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш; Н.А.Королькова, Г.М.Ицкович, Т.П.Мартинова, П.С.Иванов, А.А.Поляков, В.А.Шапкина, О.Ф.Машошин, Е.Г.Макаров, И.Д.Краснокутский, Н.Я.Луцко, Э.А.Кочетова, В.Д.Бердяев, Г.С.Егодуров, О.В.Егоров, Б.А.Тухфатуллин кабилар эса бевосита умуммуҳандислик фанларидан таълим бериш методикаси, Mathcad дастурини қўллашнинг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Хорижлик педагог-олимлар: James T. Boyle., Joshua D. Summers., Cropley A., Cropley D., Drapeau Patti., Wilhelm Schell., Allen J.H., Assmann B., Selke P., Ansel C. Ugural, Beer F.P., Johnston E.R., De Wolf J.T., Mazurek D.F., James M. Gere., Gere J., Timoshenko S., Hibbeler R.C., Nash W., Green D., John T. De Wolf кабиларнинг бевосита мавзуга алоқадор бўлган дарсликлар яратиш технологияларини такомиллаштириш ва улардан амалда фойдаланиш методикаси тадқиқи бўйича илмий-педагогик изланишлари аҳамиятли.

Диссертациянинг давлат дастурлари ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий ишлар режасининг ПЗ-2016-0905173317 “Ўқувчиларни касб-ҳунарга самарали йўналтириш орқали умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими узвийлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2016-2018 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги авлод ўқув адабиётларини яратишда техникавий, касбий-техникавий ва олий таълим тизимида дидактик ва компетенциявий ёндашувлар негизида таълим технологияларини такомиллаштириш йўллари аниқлаш, илмий-педагогик асослаш, таълим-тарбия амалиётида қўллаш методикасини жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дарслик яратишнинг амалдаги дидактик тамойиллари мазмун-моҳиятини таҳлилий ўрганиш натижаларини техника таълими муассасалари учун янги авлод ўқув дарсликларини шакллантириш ва яратишга татбиқ этиш;

техника таълими йўналишларига бевосита дахлдор касбий-педагогик маҳоратлар шаклланиши малакали, рақобатбардош мутахассислар

компетенциялари ривожланишининг асосий шахсий сифати эканлигини илмий асослаш;

“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида таълим-тарбия олувчилар томонидан умумкасбий фанлар доирасида эгалланиши назарда тутилган касбий компетенциянинг асосий компонентларига таъсир этувчи омилларни таснифлашнинг шакл ва мазмун-моҳиятини илмий асослаш;

умумкасбий фанларнинг муҳандислик амалиётидаги мавқеини инобатга олган ҳолда, таълим технологиясининг яхлит тизими моделини ишлаб чиқиш ҳамда унинг назарий ва амалий жиҳатларини илмий таҳлил этиш;

умумкасбий фанлардан таълим-тарбия беришнинг шакл, методларини илмий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил этиш, модулли таълим технологияси асосида таълим бериш методикасини такомиллаштириш, “Материаллар қаршилиги” фанидан янги авлод дарслиги ва ундан фойдаланиш методикасини яратиш, таълим-тарбия амалиётига жорий этиш ҳамда дарсликларнинг сифати ва самарадорлигини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти – техника таълими йўналишидаги профессионал ва олий таълим тизимида малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ҳамда бу борада “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларидан таълим-тарбия бериш мисолида касбий-педагогик компетентлик мазмуни ва сифатини янада такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – таълим тизимини ахборотлаштириш шароитида техника йўналишидаги профессионал (ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал) таълим ва олий таълим тизимида малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ҳамда “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари бўйича касбий-педагогик компетентлик мазмуни ва сифатини такомиллаштириш шакл, метод, восита ва йўллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги назарий, экспериментал ва корреляцион методлардан фойдаланилган: илмий-назарий, психологик-педагогик, мантиқий, илмий-методик манбаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойихалаш), социометрик (анкета, тест, сўровлар, суҳбат); бевосита ва билвосита педагогик кузатув; педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим-тарбия жараёнларида замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишнинг дидактик ва компетенциявий ёндашув талаблари асосида янги авлод дарсликларини яратишнинг 2 та ҳосилавий дидактик тамойили яратилди;

мазмун-моҳиятан узвийликдаги тўртта асосий дидактик тамойил ишлаб чиқилди ва илк бор илмий-педагогик нуқтаи назардан асосланиб, таърифланди;

техникавий ва касбий-техникавий таълимни компетенциявий ёндашув негизида такомиллаштириш орқали бешта касбий-педагогик маҳорат аниқлаштирилди;

касбий компетенция олтига компонентга ажратилиб, таърифланди ва мазмун-моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан ёритилди;

таълим берувчилар фаолияти компетентлиги иқтисодиёт талабларига мос ҳолда муҳандислик конструкцияси қисмларини мустаҳкамлик, бикрлик, ва устуворликка ҳамда даврий ўзгарувчан юкларда материалларни толиқишга ҳисоблашга йўналтирилган илмий-педагогик вазифа-муаммоларни ҳал этишга қаратилиши зарурлиги илмий-методик жиҳатдан асосланди;

таълим-тарбия олувчилар фаолиятига дахлдор компетенциявий ёндашув моделининг шакл ва мазмунини таснифловчи узвийликдаги тўртта компетенциянинг компонентлари яратилган адабиётлар мисолида илмий асосланди;

авторитар ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларини қиёсий-илмий таҳлил этиш асосида таълим технологиясининг яхлит тизими модели ишлаб чиқилди ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти белгиланди;

педагоглар фаолиятига дахлдор ва уларнинг шахсий, касбий сифатлари умумлаштирилиб, замонавий педагог мақоми ва “замонавий дарслик” тушунчаси янги таҳрирда таърифланди;

таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг шакл, методлари таҳлили асосида куч ва деформация омилларини биргаликда аниқлаш муаммоларини ҳал этиш учун Mathcad ҳисоблаш дастуридан фойдаланишнинг афзаллиги; муаммоли-изланишли мураккаб вазиятларда анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларини уйғунлаштириш тамойилига таянган ҳолда, дарслик материалларини шакллантириш зарурлиги; муҳандислик амалиёти масалаларини шакллантириш ва танлаш жараёнларида уларни оддийдан мураккабликка йўналган бешта гуруҳда таснифлаш лозимлиги илмий-педагогик ва дидактик нуқтаи назардан асосланди;

модулли таълим технологиясининг дидактик ва компетенциявий ёндашув талаблари негизида илк бор давлат тилида “Материаллар қаршилиги” (назариялар ва масалалар) дарслиги ва “Техника таълими муассасалари учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш технологиялари ва улардан фойдаланиш методикаси” номли монография яратилди;

янги авлод ўқув адабиётлари сифати ва самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган “Дарслик яратишда назарий экспертиза” ва “Дарсликдан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизмлари ишлаб чиқилди ва илмий-амалий жиҳатлари асосланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалдаги дидактик тамойиллар асосида дарслик яратишнинг иккита ҳосилавий дидактик тамойили ишлаб чиқилди ҳамда мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи тўртта асосий тамойил биринчи марта илмий-педагогик нуқтаи назардан асосланди;

ишлаб чиқилган компетенциявий ёндашув моделининг шакл ва мазмуни негизда бевосита “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанларидан адабиётлар яратилиб, улар техника таълими йўналишлари бўйича умумқасбий фанлардан янги авлод дарсликлари яратиш учун таянч бўлиши илмий-педагогик нуқтаи назардан асосланди ва жорий этиш таклиф этилди;

муаллифнинг таълим технологияси яхлит тизими модели “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари бўйича дарсликлар яратишда фойдаланилди, мазкур модель келгусида техника таълими муассасалари учун янги авлод дарслиklarини яратишда асос сифатида тавсия этилди;

“Материаллар қаршилиги” фани мисолида ишлаб чиқилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг шакл, методлари ҳамда ўқув адабиётларининг янги авлодидан модулли технология асосида таълим бериш методикаси келгусида “Назарий механика”, “Техник механика”, “Амалий механика”, “Механизм ва машиналар назарияси”, “Қурилиш механикаси”, “Машина деталлари”, “Юк ташиш ва кўтариш машиналари” фанларидан янги авлод ўқув адабиётлари яратишда ишончли таянч вазифасини ўташи асосланди;

муаллифнинг тўртта фан бўйича жами 14 та (шундан 7 таси дарслик) янги авлод ўқув адабиёти ва битта монографияси таълим амалиётга жорий этилди;

амалдаги ёки фойдаланишга тавсия этилаётган техника таълими йўналишларининг янги авлод адабиётлари сифати ва самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган “Дарслик яратишда назарий экспертиза” ва “Дарсликдан таълим жараёнида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизмлари яратилиб, улар илмий-педагогик амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, фойдаланилган усуллар, реал педагогик амалиёт ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг таҳлили, таҳлилнинг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг таълим-тарбия амалиётига жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобаллашув даврида техникавий, касбий-техникавий ва олий таълим тизимида янги авлод ўқув адабиётларини яратишда дидактик-компетенциявий ёндашувлар негизда таълим технологияларини такомиллаштириш механизмининг илмий асосланганлиги; техника таълими тизимида малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнида “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанларининг эгаллаган мавқеи илмий-методик ҳамда мазкур фанлар бўйича касбий-педагогик компетентликнинг мазмуни ва сифатини такомиллаштириш жараёни методологик ва методик-дидактик нуқтаи назардан асосланганлиги; илмий хулосаланган, башоратли компетенциявий ёндашув ва таълим

технологиясининг яхлит тизими модели таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, биринчидан, “Материаллар қаршилиги” фани мисолида сўнгги ўн йилликда таълим-тарбия амалиётида қўлланаётган таълимни ташкил этишнинг шакл, методлари ҳамда ўқув адабиётларининг янги авлодидан фойдаланиб, ишлаб чиқилган модулли технология асосида таълим-тарбия бериш методикаси келажакда “Назарий механика”, “Техник механика”, “Амалий механика”, “Механизм ва машиналар назарияси”, “Қурилиш механикаси”, “Машина деталлари”, “Юк ташиш ва кўтариш машиналари” каби умумкасбий фанлардан ўқув адабиётлари яратишга ишончли асос бўла олиши; иккинчидан, амалда фойдаланилаётган ёки фойдаланишга тавсия этилаётган техника таълими йўналишлари янги авлод адабиётлари сифати ва самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган “Дарслик яратишда назарий экспертиза” ва “Дарсликдан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизмларини педагогик амалиётга жорий этиш имконияти яратилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янги авлод ўқув адабиётларини яратиш технологиялари ва таълим-тарбия амалиётида фойдаланиш методикаси бўйича амалга оширилган тадқиқот асосида:

мазмунан ва моҳиятан узвийликдаги “Жараён ва ҳодисаларни моделлаштириш”, “Фундаментал, политехник, иқтисодий ва экологик таълимни уйғунлаштириш”, “Таълимда генерализация ва синтез”, “Анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларини уйғунлаштириш” номли дидактик тамойиллар илмий-педагогик нуқтаи назардан асосланган ҳамда “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанларидан дарсликлар яратишда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада дидактик ва компетенциявий ёндашув талаблари такомиллашиб, улар техника таълими йўналишлари учун янги авлод ўқув адабиётларини яратишга асос тарзида қабул қилинди;

умумкасбий ва экстремал, гностик, дидактик, конструктив-технологик, махсус ва коммуникатив касбий-педагогик маҳоратлар техникавий ва касбий-техникавий таълимни компетенциявий ёндашув негизида такомиллаштириш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада “кафолатланган натижа”ни олдиндан яхлит тасаввур қилган ҳолда таълим-тарбиянинг муайян мақсад-вазифаларини аниқ белгилаш; AutoCAD ва MathCAD ҳисоблаш дастурларини амалда қўллаш имкониятини кенгайтириш; конструкция ва улар қисмларини мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворликка ҳисоблаш ва материалларни толиқиш – чарчашга синаш бўйича муҳандислик муаммоларини иқтисодиёт талабларига мослаштириш; тор касбий ёки турдош касблар бўйича фаолият юритишга эҳтиёжлар сезилганда, таълим олувчиларга амалдаги таълим стандартлари асосида мустақил таълим машғулотларини ташкил эта олиш; инклюзив

таълим-тарбиянинг шахсни камситишни истисно этиш бўйича имкониятлар яратилди;

касбий компетентлик иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, махсус, методик-психологик, интеллектуал, илмий-ижодий ва инновацион компетенция каби компонентларга ажратилиб, уларнинг мазмун-моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан ёритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада замонавий таълим-тарбия жараёнларида юксак компетентли педагог-психолог ва ишлаб чиқариш таълими устаси фаолият кўрсатишлари талаб этилиши асосланди;

таълим-тарбия олувчилар фаолиятига дахлдор “Фаолиятни амалга ошириш воситалари компетенцияси” (6 та компонентдан таркиб топган), “Таянч касбий компетенция” (6 та компонент), “Маҳоратлар шаклланиши компетенцияси” (4 та компонент) ва “Тизимли амалий-илмий компетенция” (5 та компонент) каби компетенциялар асосланган янги авлод ўқув адабиётлари мисолида илмий-педагогик асосланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада “Материаллар қаршилиги” фанини ўзлаштиришда босқичма-босқич таълим олувчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган муҳим умумий талаблар дастлаб оддий деформацияланиш: марказий чўзилиш-сиқилиш, силжиш, буралиш, эгилиш жараёнлари учун, фаннинг ривожда эса мураккаб қаршилик, устуворлик ва динамика муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган таълимот ишлаб чиқишга асос яратилди;

авторитар ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қиёсий-илмий таҳлили натижасида таълим технологиясининг яхлит тизими модели ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада “Мақсад–жараён (восита)–натижа” кўринишдаги таълимий-тарбиявий яхлит учлик таъминланиш имконияти кенгайган;

куч ва деформация омилларини биргаликда аниқлаш муаммоларини ҳал этишда Mathcad ҳисоблаш дастуридан фойдаланишнинг афзаллиги; муаммоли-изланишли мураккаб вазиятларда анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларини уйғунлаштириш тамойилига таянган ҳолда дарслик материалларини шакллантириш зарурлиги; муҳандислик амалиёти масалаларини шакллантириш ва танлаш жараёнларида уларни оддийдан мураккабга йўналган 5 та гуруҳда таснифлаш лозимлиги илмий-педагогик ва дидактик нуқтаи назардан асосланган ва амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада техника таълими йўналишларида таълим мазмуни ва сифатини ошириш имкониятлари кенгайди;

модулли технологиянинг дидактик ва компетенциявий ёндашув талаблари давлат тилида “Материаллар қаршилиги” (назариялар ва

масалалар) дарслиги ва “Техника таълим муассасалари учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш технологиялари ва улардан фойдаланиш методикаси” номли монография яратишга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада техника таълими йўналишларида таълим сифати ва самарадорлигини янада оширишга имкониятлар яратилди;

“Дарслик яратишда назарий экспертиза” ва “Дарсликдан таълим жараёнида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизмлари ишлаб чиқилган ва уларнинг илмий-амалий жиҳатлари асосланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2961-сон маълумотномаси). Натижада барча мониторинг ва баҳолаш параметрларининг аҳамиятлиги даражасига бир хил муносабатда ёндашган ҳолда уларга чеклов қўйилмасдан статистик таҳлилий баҳолаш ишлари кўлами ҳаққонийлик, адолатлилик, ошкоралик ва илмий асосланганлик тамойилларига кўра амалга оширилиши таъминланди.

Шунингдек, муаллиф намунавий ва ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқишда қатнашган бўлиб, улар ҳам таълим амалиётига жорий этилган (“Материаллар қаршилиги” ўқув дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 2019 йил 19 апрелда №ВД-5320300-2.14 рақам билан рўйхатга олинган).

Тадқиқотнинг натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 16 та, жумладан, 2 та халқаро, 8 та Ўзбекистонда ўтказилган халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та, шулардан монография 1 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида 17 та (14 таси республика миқёсидаги ва 3 таси хорижий журнал) ҳамда маҳаллий журналларда 2 та илмий иш чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва тавсиялар, 174 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унда 12 та жадвал, 22 та расмдан фойдаланилган, ишнинг умумий ҳажми 241 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш қисмида** тадқиқот муаммосининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқот ишлари шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги,

ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Умумқасбий фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-методологик асослари” деб номланган, унда таълим мазмунини белгиловчи меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар асосида яратилган ўқув адабиётлари методик, мантиқий яхлитлик, амалиётга боғлиқлик, табақалаш, таълим олувчининг ёш хусусиятини назарда тутиш каби дидактик талаблар илмий-педагогик жиҳатдан асосланган. Бунда, асосан, амалдаги ДТСда компетенциявий ёндашув талаблари тўлақонли акс этмасдан, фақатгина билим, кўникма-малакаларга қўйиладиган минимал талаблар белгиланаётганлиги, ўқув дастурлари таълим-тарбия олувчиларни хилма-хил далилларни механик тарзда ёдлашга эмас, балки уларнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли англашга ҳамда таълим натижаларини амалда қўллашга йўналтирилиши зарурлиги инobatга олинмаётганлиги, муҳандислик йўналишлардаги айрим ўқув дастурлари мазмунан саёзлиги ҳамда уларда таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш интеграцияси доирасидаги талаблар ва хорижий тажрибаларнинг самарадорлиги пастлиги, янги авлод ўқув адабиётлари яратишда таълимнинг узлуксизлик-узвийлик талаблари етарлича инobatга олинмаётганлиги ёки кўпгина мавзу материаллари таълимда муаммоли вазиятлар шаклланишига имконият яратмаётганлиги, дидактик воситалар ва таълим методлари танланиши эътибордан четдалиги, мустақил таълимда педагогнинг фаолияти талаб даражасида сезилмаётганлиги кабиларга эътибор қаратилган.

Мазкур бобда ҳаёт суръатлари шиддат билан тезлашаётган глобаллашув: юксак технология, ялпи ахборотлашув, иқтисодиётнинг реал тармоқларида рақамлаштириш даврида таълим-тарбия назарияси ва амалиётида компетенциявий ёндашувнинг концептуал жиҳатларини эътиборга олиш муҳимлиги таъкидланган.

Назарийлашган таълим тизимидан бевосита зарурий кўникма-малакалар ва компетенцияларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим тизимига ўтиш долзарблиги таълимда тактик-стратегик аҳамиятлар касб этаётганлиги инobatга олинган. “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанларидан янги авлод дарсликларини яратишда эътибор талаб жиҳатлар белгиланган: ўқув жараёни узлуксизлиги-узвийлигини таъминлашга йўналтирилган таълим тизимининг ҳар бир бўғинига мос ўқув дастурлари ва уларга мувофиқ ўқув адабиётларини яратиш, соҳалар ва тиллар кесимида мазкур фанлардан дифференциаллашган ҳолда, адабиётлар чоп этиш, кўрғазмали-дидактик воситалар, жиҳозлар, мультимедиа, замонавий информатсион-инноватсион технологиялардан фойдаланиш қамровини кенгайтириш, шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларнинг жорий этилишини таъминлашга йўналтириш каби муаммолар очиб берилган.

“Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” фанлари мисолида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш асослари ва уларга қўйиладиган

педагогик-дидактик талаблар илмий асосланиши натижасида ўқув дастурлари ва дарсликлар даврий янгиланиб турилиши, муайян долзарб ғоявий-мафкуравий муаммолар устида ишлаётган олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ўқув дастурига мослаштириб нашр этиш, таълимда кўргазмали-дидактик воситалар, мультимедиа, инновацион технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига ўтиш ҳамда масофавий таълимни кучайтириш, онлайн дарсларини ташкил қилиш ва мустақил таълимнинг тарбиявий-таълимий аҳамиятини инобатга олиш каби долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган ўқув адабиётларини яратиш давр талаби эканлиги асосланган.

“Янги авлод дарсликларини яратишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг дидактик ва компетенциявий ёндашув асослари” деб номланган иккинчи бобда дастлаб дидактик ва компетенциявий ёндашувлар негизида техникавий ва касбий-техникавий таълимда инновацион технологияларни қўллашнинг педагогик муаммолари илмий таҳлили баробарида ўқув-билиш материалларини схоластик тарзда ёдлаш ёки эслаш эмас, балки ижодий, танқидий-таҳлилий ва изчил фикрлаб, муҳандислик амалиётида техник носозликларни излаш, аниқлаш ва бартараф этиш; ихтирочилик-конструкторлик мосламаларини лойиҳалаш ёки модернизация қилиш; технологик жараёнларни такомиллаштиришга йўналтирилган машқ ёки топшириқларни амалдаги дидактик тамойилларга киритиш зарурлиги эътироф этилган. Шу асосда янги авлод дарсликларини яратишнинг “Илмийлик, ижодий, танқидий ва изчил ёндашувчанлик ҳамда мослашувчанлик”, “Билим, кўникма ва малака ҳамда компетенцияларни онгли равишда пухта эгаллашга ўргатиш” номли ҳосилавий дидактик тамойили ишлаб чиқилган.

Мазмун-моҳиятига кўра, бир-бирини тўлдирувчи “Жараён ва ходисаларни моделлаштириш”, “Фундаментал, политехник, иқтисодий ва экологик таълимларни уйғунлаштириш”, “Таълимда генерализация ва синтез” ҳамда “Анъанавий ва ноанъанавий таълим моделларини уйғунлаштириш”нинг асосий дидактик тамойиллари илмий нуқтаи назардан таърифланган. Мазкур дидактик тамойиллардан “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари бўйича янги авлод дарсликларини яратишда фойдаланилган.

Конструкция қисмларининг хавфли кесимларида пайдо бўлувчи куч ва деформация омилларини Excel, MathCAD ҳисоблаш ўқув дастурлари ёрдамида биргаликда аниқлаш, конструктив ва иқтисодий талабларга кўра, брусларнинг зарурий, ишончли ва фойдаланишга қулай ўлчамларини топиш, материалларнинг толиқиш мустаҳкамлигини ҳисоблашга йўналтирилган таълим профессор-ўқитувчилар фаолияти компетентлигининг мазмун-моҳиятини ташкил этиши шартлиги илмий-педагогик жиҳатдан асосланган.

Мутахассис (ходим), шу жумладан, муҳандис-педагоглар ва амалиёт ўқитувчилари, психологларнинг бевосита касбга алоқадор муаммоларини ҳал этиш жараёнида муҳим ўрин эгаллайдиган маҳорат ва компетенция тушунчалари таҳлилий ўрганилган.

Техника таълими йўналишларига дахлдор умумкасбий ва экстремал, гностик, дидактик, конструктив-технологик ҳамда махсус ва коммуникатив касбий-педагогик маҳоратлар илмий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил этилган. Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсад ҳамда техникавий ва касбий-техникавий таълимни компетенциявий ёндашув негизида такомиллаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда уларга аниқликлар киритилган. Бунда конструкцияларнинг мустаҳкамлиги, бикрлиги, устуворлиги, чидамлилигига доир муҳандислик муаммоларни иқтисодиёт талабларига мос келтириш; фавқулотда ҳолатларда тезкорликда оқилона қарор қабул қилиш; кафолатланган натижани олдиндан яхлит тасаввур қилган ҳолда таълим-тарбиянинг муайян мақсад-вазифаларини аниқ белгилаш; AutoCAD ва MathCAD ўқув дастурларини амалда кенгрок қўллаш; тор касбий ёки турдош касблар бўйича фаолият юритишга эҳтиёжлар сезилганда, таълим олувчиларга амалдаги таълим стандартлари асосида мустақил таълим машғулотларини ташкил эта олиш; инклюзив таълим-тарбиянинг шахсни камситишни истисно этишини – барча учун тенг муомала ва ҳуқуқни таъминлаш қобилиятини амалда намоён қилиш зарурлиги қатъий белгиланган.

Касбий компетенция олтига (иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, махсус, методик-психологик, интеллектуал, илмий-ижодий ва инновацион компетентлик) компонентга ажратилиб, таърифланган ва мазмун-моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан ёритилган ҳамда “Материаллар қаршилиги” фани профессор-ўқитувчилари фаолияти компетентлиги иқтисодиёт талабларини қаноатлантирувчи узвий боғлиқликдаги тўртта (конструкция ва улар қисмларини мустаҳкамлик, бикрлик ва устуворликка ҳисоблаш ва материалларни толиқиш – чарчашга синаш) илмий-педагогик вазифа-муаммоларни тўлақонли ҳал этишга қаратилиши зарурлиги асосланган.

Таълим олувчилар фаолиятига мазмунан дахлдор, “Материаллар қаршилиги” фанида эгалланиши назарда тутилган мантиқий боғлиқликдаги тўртта (фаолиятни амалга ошириш воситалари, таянч касбий, маҳоратлар шаклланиши ва тизимли амалий-илмий) компетенция компетенциявий ёндашувнинг шакл ва мазмуни тарзида таснифланган, таърифланган ҳамда уларнинг хусусиятлари ва белгилари таҳлил қилинган.

“Материаллар қаршилиги” фанини ўзлаштиришда босқичма-босқич таълим олувчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган муҳим умумий талаблар дастлаб оддий деформацияланиш: марказий чўзилиш-сиқилиш, силжиш, буралиш, эгилиш жараёнлари учун, фаннинг ривожда мураккаб қаршилик, устуворлик ва динамика

муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган таълимот учун ишлаб чиқилган.

Мазкур бобда мантиқий боғланган компетенциявий ёндашув талаблари саноатнинг машинашунослик, автомобилсозлик, самолётсозлик, металлургия, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, матбаа ишлаб чиқариши, тўқимачилик, енгил саноат ҳамда транспорт ва қурилиш соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёнида барча техника фанларининг алифбоси сифатида ўрганилаётган ва ўзлаштирилаётган “Материаллар қаршилиги” фанидан яратилган ҳамда кўп йиллардан буён таълим-тарбия жараёнида фойдаланилаётган муаллифнинг янги авлод ўқув адабиётларига асос қилиб олинганлиги келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш технологияларини такомиллаштиришнинг педагогик-дидактик асослари”** деб номланган учинчи бобида дастлаб муҳандислик амалиётида кўп ишлатилаётган “технологик операция”, “технологик жараён”, “технологик харита”, “технологик режим” каби тушунча-терминларнинг моҳияти технологиянинг илмий ва ҳаракат аспекти негизида ёритилган ва улар таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилган ҳолда “Педагогик технология – таълим олувчи шахсига йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчанлик ўзлаштириш натижаларини кафолатлайдиган таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимли методи” тарзида таърифланган. Педагогик технологиянинг илмий аспекти белгилаб, таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари, уларнинг динамик боғлиқлигини кўзда тутган ҳолда таълим-тарбия бериш ва билим-тажрибаларни ўзлаштириш жараёнини тизимли яратиш, амалда қўллаш ва аниқлаш таълим технологияси деб тавсифланган. Анъанавий ва ноанъанавий дарс ўтиш моделлари қиёсий тасвирланиб, тегишлича уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатлари илмий асосланган ҳамда иккала ҳолатда ҳам педагогнинг ўрни муҳимлиги эътироф этилган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган “Таълим технологиясининг яхлит тизими модели”нинг мазмун-моҳияти, касбий-техник таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги аҳамиятли жиҳатлари, биринчидан, ўқитишнинг авторитар ва шахсга йўналтирилган технологияларни алоҳида; иккинчидан, анъанавий дарс ўтиш моделини сақлаб қолган ҳолда, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; учинчидан, иккала таълим методларини уйғунлаштириш тамойилига таянган ҳолда, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишга қаратилганлиги асосланган.

Мазкур модель доирасида янги таҳрирда “Замонавий дарслик” ҳамда амалдаги профессиографик ёндашувга таянган ҳолда педагог фаолиятига дахлдор шахсий ва касбий сифатлар умумлаштирилиб, “Замонавий педагог шахси” моделлари таърифланган.

Ушбу бобда талабага ажратилган ўқув юкларини миқдори илмий асосланган ҳолда кейинги ўн йилликларда сезиларли даражада камайганлиги

қиёсий таҳлил этилган. Дарҳақиқат, талаба “Материаллар қаршилиги” фанини Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналишида ажратилган жами ўқув юкларидан аудитория машғулотларини тегишлича 235/132 соатдан 210/90 соат, Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) йўналишида 235/132 соатдан 137/72 соат ва ерусти транспорт тизимлари (транспорт турлари бўйича) таълим йўналишида 216/136 соатдан 126/72 соат нисбатга камайган ҳолда ўзлаштирмоқда.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналишида жами аудитория машғулотларининг маърузага ажратилган қисми охириги ўн йил давомида 132/68 (51,5%) соатдан 90/36 (40%) соатгача, Технологик машиналар ва жиҳозлар йўналишида 132/68 (51,5%) соатдан 72/36 (50%) соатгача ва Ер усти транспорт тизимлари йўналишида 136/56 (41,2%) соатдан 72/36 (50%) соатгача кескин ўзгарган.

Ушбу даврларда амалий машғулотлар учун ажратилган ўқув юкларидан Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналишида 48 соатдан 18 соатга, Технологик машиналар ва жиҳозлар йўналишида 48 соатдан 24 соатга ва Ер усти транспорт тизимлари йўналишида 37 соатдан 18 соатга камайган. Ҳатто, талабага мустақил таълим учун ажратилган юклар ҳам Ер усти транспорт тизимлари йўналишида 80 соатдан 54 соатга ва Технологик машиналар ва жиҳозлар йўналишида эса 103 соатдан 65 соатга камайган.

Диссертацияда илм-фаннинг “кўчкисимон” ривожини ҳамда илмий-техник ахборотларнинг шиддат билан ўсиши ва тез-тез янгилашиши, муҳандислик конструкциялари ва технологик жараёнларнинг такомиллашуви, бошқариш тизимларида автоматлаштириш ва компьютерлаштириш даражасининг борган сари юқори поғоналарга кўтарилишини инobatга олиб, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, илмий асосланиш натижасида ўқув юкларидан миқдори камайтирилганлигини тўлақонли англаб етиш шартлиги алоҳида таъкидланган.


Аммо таълим-тарбия жараёнларини авторитар технологияда ташкил этиш орқали мақсадга тўлақонли эришиб бўлмаслиги, табиий ҳол. Ушбу илмий-педагогик муаммоларни ҳал этишда шак-шубҳасиз, таълим-тарбия жараёнида шахсга йўналтирилган технологияларни амалиётга жорий этиш долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланиши дарсликлар яратиш мисолида асосланган. Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялардан фойдаланишда ўқув юкларидан миқдори қисқарса-да, таълим мазмуни ва сифати яхлитлиги сақланган ҳолда таълим-тарбия жараёнлари давр талабларига мос равишда анча жадаллашади ва бу борадаги ҳаракатлар қафолатланган натижага эришишни тўлақонли таъминлашга йўналтирилади.

Таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологияларни қўллашда ахборот-репродуктив, тушунтириш репродуктив ва муаммоли таълим бериш методлари самарадорлигини назарда тутиб, “Материаллар қаршилиги” фанидан дарслик яратиш мисолида ўқув-билиш материалларини муаммоли

тарзда баён этиш долзарблиги асосланган. Янги ўқув-билиш материалларини зичлаштириш ҳамда мустақил ва масофавий таълимлар доирасида ўзлаштириш жараёнларида муаммолиликнинг кўп сатҳлилик хусусиятларига эътибор қаратилган.

Муаллиф яратган дарслик ва ўқув қўлланмалар ўқув-билиш материалларини муаммоли баён этишга йўналтирилганлиги ҳамда бу ёндашув модулли таълимнинг мотивация, когнетив визуаллик ва ўқув вақтини тежаш каби тамойилларга мос келиши билан аҳамиятли эканлиги асосланган.

“Умумқасбий фанлар ўқув адабиётлари янги авлодидан модулли технология асосида таълим-тарбия бериш методикаси” номли тўртинчи бобда таълим-тарбиянинг дидактик моҳияти яхлитлиги эътироф этилгани ҳолда, ихтиёрий фандаги ҳар бир модулнинг таркибий тузилмасини дидактик нуқтаи назардан ўзаро узвий боғлиқликдаги ягона занжир доирасида тавсифланиши баробарида мазкур таълим технологиясининг мазмун-моҳияти ва амалий жиҳатлари бевосита “Материаллар қаршилиги” фанидан таълим-тарбия беришга жорий этилган (1-расм).



1-расм. Модуларнинг дидактик нуқтаи назардан боғлиқлиги

Педагогик технология заминини ифодалайдиган дидактик жараён ўзаро боғлиқ учта компонент: мотивация, таълим олувчининг ўқув-билиш ва таълим-тарбия берувчининг жараённи бошқарув (мувофиқлаштирув, маслаҳат бериш ва кўмаклашув) фаолиятдан иборат бўлиб, муайян вақт мобайнида таълим мазмуни-моҳиятини таълим олувчига узатиш механизмини ифодалайди ҳамда дидактик жараённи лойиҳалаш, энг аввало, таълим-тарбия берувчидан алоҳида педагогик маҳорат ва салоҳият талаб этади.

Диссертацияда техника таълими йўналишларида модулли таълим технологияси негизида дарслик яратишда когнитив, психомотор ва аффектив ўрганиш соҳаларига риоя этиш талаб этилгани ҳолда замонавий педагогик технологияларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнига қўллаш долзарблигининг назарий-амалий жиҳатлари ёритилган.

Ушбу бобда модулли ўқитишнинг самарадорлиги дидактик топшириқ ва материалларнинг сифати, модулларнинг оптимал ишлаб чиқилганлиги билан бир қаторда мавжуд моддий-техник ва ўқув-методик таъминотлар даражаси, педагогик ҳамкорлик иштирокчиларининг салоҳияти, тайёргарлик даражаси, ижодий, кетма-кет ва изчил ёндашув масъулияти каби ўзаро узвий алоқадор муҳим инсоний омилларга бевосита боғлиқлиги қатъий белгиланган.

Тадқиқот давомида модулли ва компьютерли таълим технологияларини биргаликда амалиётга жорий этиш баробарида таълим-тарбия жараёнларини оптимал даражада тезкор бошқариш имконияти қамровининг кенгайиши, муаммони ҳал этишда шахс-таълим олувчининг индивидуал ёки педагогик ҳамкорлик (таълим-тарбия берувчи ва таълим-тарбия олувчиларнинг биргаликдаги фаолияти)да фаол иштироки, зарурият туғилганда таълим циклини қайта-қайта такрорлаш имконияти чекланмаганлиги, психологик-педагогик қулайликлари каби афзалликлари илмий асосланган.

Шунингдек, “Материаллар қаршилиги” фанида амалий машғулот ва ҳисоб-чизма ишларини мустақил таълим доирасида бажаришда фойдаланилаётган ўқув алгоритми такомиллаштирилган ҳамда бевосита MS Excel ва Mathcad ҳисоблаш дастурларидан фойдаланилиб, биринчи марта модулли таълим технологиясининг дидактик талаблари негизида дарслик яратилган.

Диссертациянинг **“Янги авлод ўқув адабиётларининг сифати ва самарадорлиги”** деб номланган охириги бобида дарсликнинг сифат ва самарадорлик даражаларини баҳолашнинг статистик тадқиқи ўзаро боғлиқ 4 та: статистик материалларни шакллантириш, танланмаларнинг йиғма тавсифномаларини ҳисоблаш, корреляцион боғлиқлик шакли ва зичлигини аниқлаш, статистик гипотезалар асосида натижалар таҳлили жараёни изчил ёритилган.

Дарсликлар сифатини илмий-методик нуқтаи назардан таҳлил этиш ва баҳолашда ягона мезонлаш ва меъёрлаш методикасини яратиш долзарб муаммо сифатида қаралиб, “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари негизида техника таълими йўналишлари янги авлод адабиётлари сифати ва самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган “Дарслик яратишда назарий экспертиза” ва “Дарсликдан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизмлари ишлаб чиқилган. Мазкур ёндашувнинг фарқли жиҳатлари шундаки, барча мониторинг ва баҳолаш параметрларининг аҳамиятлиги даражасига бир хил муносабатда ёндашган ҳолда, уларга чеклов қўйилмасдан статистик таҳлилий баҳолаш

ишлари кўлами ҳаққонийлик, адолатлилик, ошкоралик ва илмий асосланганлик тамойиллари нуқтаи назаридан амалга оширилиши таъминланган.

Хусусан, ўқув адабиётларининг тузилиши ва мазмунини таҳлилий баҳолашда улардаги ўқув-билиш материаллари баёнининг илмийлиги, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги методик жиҳатлари – замонавий таълим технологияларни қўллаш, матнларда узлуксизлик-узвийлик тамойилларининг таъминланганлик даражаси, шунингдек, конструктив лойиҳалашда таълим-тарбия оловчиларда ижодкорлик, инновацион ғоялар шаклланишига йўналтирилганликка алоҳида эътиборли бўлишлик респондентдан талаб этилган. Дарсликларнинг касбий компетенцияга бевосита алоқадорлиги каби жиҳатлари (масалан, чилангарлик асбоб-ускуналари ва мосламаларнинг ҳаракатланиш қонуниятларини асослаш ҳамда тасмали, занжирли, тишли узатмалар, редукторлар, фрезалаш ва токарлик дастгоҳлари кабиларнинг конструктив тузилиши ва ишлаш жараёнини ўрганишга йўналтирилганлик кабилар) баҳоловчи шахс – респондентлар томонидан ҳаққоний, холисона, адолатли баҳолалиши ўта муҳимлиги назарда тутилган.


Тадқиқот даврида жами 827 нафар респондент иштирокида “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” дарсликларининг сифат-самарадорлигини баҳолаш мақсадида педагогик тажриба-синов ишлари амалга оширилган.

Диссертацияда “Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” дарсликларини назарий ва амалий экспертизалаш механизми негизида умумкасбий фанлар дарсликларининг сифат-самарадорлигини қиёсий баҳолаш мониторинги натижалари таҳлил этилган.


Дарслик яратиш жараёни илмий-назарий ёндашув тамойилига кўра, экспертизадан ўтказилганда ҳар бир респондент “Дарсликнинг тузилиши” юзасидан (6), “Дарсликнинг мазмуни” (9), “Матнларнинг сифати ва самарадорлиги” (7), “Тасвирий таълим воситалари” (6) ҳамда “Мустақил таълимга йўналтирилганлик” мезон кўрсаткичлари бўйича эса 9 та, жами 37 та узвий боғлиқликдаги мезон кўрсаткичлари – компонент асосида баҳолаган. Шу тарзда “Дарсликнинг тузилиши ва мазмуни” бўйича (3), “Таълим-тарбия жараёни бориши” (4), “Педагогик технологияларга мослик” (4), “Мустақил таълимга йўналтирилганлик” (2) ва “Таълим натижаларини баҳолашнинг рейтинг назорати” бўйича эса 1 та, жами 14 та компонент ёрдамида “Дарсликдан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” ўтказилган.

Педагогик тажриба-синов жараёнида 2018-2019 ва 2019-2020 ўқув йилларида муаллифнинг “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” дарсликлари респондентлар томонидан назарий-амалий экспертизадан ўтказилган ҳамда натижалар “Танланма ўртача қиймат ва танланма

дисперцияни ҳисоблашнинг кўпайтмалар методи” асосида таҳлилий баҳоланган (2- ва 4-расмлар).




2-расм. “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” дарсликларини яратишда назарий экспертиза натижалари



3-расм. “Техник механика” дарслигидан фойдаланишда

амалий экспертиза натижалари



4-расм. “Материаллар қаршилиги” дарслигидан фойдаланишда амалий экспертиза натижалари

Тажриба-синов кузатишлари асосида тақсимот бўйича қурилган нормал эгри чизикларнинг абсцисасига танланманинг меъёрлаш даражаси (варианта, рейтинг балли ҳисобида) ва ординатасида эса танланманинг мезонлаш кўрсаткичлари (частоталар) жойлаштирилган.

Эмпирик тақсимот графигининг “узун қисми” модадан чап томонда эканлиги ва эксцисанинг манфий ишорага эга бўлиши эса эмпирик боғланишнинг юқори қисми сезиларли даражада “яссилана бориши”ни ҳамда чўққиси нормал тақсимот чўққисидан пастрокда жойлашган бўлиб, назарий-амалий экспертиза жараёнида ўтказилган анкета сўровлари орқали кузатилган частоталарнинг нормал тақсимоти Гаусс эгри чизигига мослигини тасдиқлаган.

Диссертацияда статистик боғлиқликдаги миқдорлардан бири ўзгарганда бошқа параметрларнинг ўртача қиймати ҳам тегишлича ўзгариб, натижада, функционал эмас, балки статистик боғланиш ҳосил бўлиши инобатга олинган ҳамда математик ишлов бериш жараёнида корреляцион боғланиш шакли – регрессия функциясининг кўриниши аниқланган.

Дарслик яратиш ва ундан фойдаланиш экспертизалари натижалари асосида χ^2 “хи квадрат” мослик мезони бўйича назарий методда ҳисобланган нормал тақсимот частотаси ва эмпирик частоталар фарқи қониқарли ҳолатдалиги ҳамда ишончли интервал – чегаралар Стюдент тақсимотини қаноатлантириши илмий асосланган. Шунингдек, Лаплас функцияси ёрдамида сифат кўрсаткичлари аниқланиб, унинг бошланғич сифат

кўрсаткичи билан фарқи ўртача ўн фоиздан ошмаслиги респондентларнинг баҳолаш натижалари ҳаққоний, адолатли, шаффоф ва малакали белгиланганлигини тасдиқлаган.

ХУЛОСАЛАР

Тадқиқот ишининг асосий натижалари ва улар асосида олинган хулосалар куйидагилардан иборат:

1. Техника таълими йўналишлари учун янги авлод дарслиklarини яратишда асосланиладиган ўқув дастурлари мазмун ва методик жиҳатдан илмий таҳлил қилиниб, мантиқий изчилликдаги ўқув-билиш материаллари, илмий далиллар, фаразлар, назариялар, таърифлар, назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга йўналтирилган вазифа ва топшириқлар мазмуни белгиланди.

2. Методологик, кўргазмалилик, мантиқий яхлитлик, амалиётга боғлиқлик, табақалаш, таълим олувчининг ёш хусусиятини назарда тутиш каби талаблар илмий-психологик, педагогик нуқтаи назаридан таҳлил этилишида таълим мазмунини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар асосида яратилган ўқув адабиётларида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги аниқланди.

3. Техникавий ва касбий-техникавий таълимларни дидактик ва компетенциявий ёндашувлар негизида такомиллаштиришнинг педагогик муаммоларини илмий таҳлил этиш натижасида:

амалдаги дидактик тамойиллар такомиллаштирилиб, умумлаштирилди ва янги авлод дарслиklarини яратишнинг иккита ҳосилавий дидактик тамойили ишлаб чиқилди ҳамда мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи тўртта тамойил илмий-педагогик нуқтаи назардан асосланди ва таърифланди;

умумкасбий ва экстремал, гностик, дидактик, конструктив-технологик ҳамда махсус ва коммуникатив касбий-педагогик маҳоратлар техникавий ва касбий-техникавий таълимни компетенциявий ёндашув негизида такомиллаштириш орқали аниқлаштирилди;

касбий компетенция олти (иктисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, махсус, методик-психологик, интеллектуал, илмий-ижодий ва инновацион компетентлик) компонентга ажратилиб, таърифланди ва мазмун-моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан ёритилди;

профессор-ўқитувчилар фаолияти компетентлиги белгиланди ҳамда таълим-тарбия олувчилар фаолиятига дахлдор ва “Материаллар қаршилиги” фанида эгалланиши кўзда тутилган компетенциявий ёндашувнинг шакл ва мазмуни узвий боғлиқликдаги тўрт жабҳада таснифланди;

“Материаллар қаршилиги” мисолида таълим-тарбия олувчиларнинг билими, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар модуль (боб)лар кесимида ишлаб чиқилди.

4. Авторитар ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларидан амалда фойдаланишнинг қиёсий-илмий таҳлили натижасида таълим технологиясининг яхлит тизими модели ишлаб чиқилди, унинг мазмун-моҳиятига кўра, замонавий педагог шахси мақоми ҳамда замонавий дарслик тушунчаси такомиллашган таҳрирда таърифланди.

5. Яратилиши кўзда тутилган янги авлод ўқув адабиётларида ҳар бир модуль муайян қонуният ёки алгоритмга мос таркибий тузилма сифатида шакллантирилиб, унда когнитив, психомотор ва аффектив ўрганиш соҳаларига кўра, таълим-тарбия оловчилар шахсини ривожлантириш, эгилувчанлик ва иқтисодий самарадорлик тамойилларига мослиги кабилар модулли технологиянинг дидактик моҳияти ва талаблари сифатида намоён бўлиши илмий-педагогик жиҳатдан асосланди.

6. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг шакл, методлари таҳлили натижасида муҳандислик фанларидан масалалар ечиш, ҳисоб-график ишлари, битирув малакавий ишларни бажариш жараёнида компьютер таълим технологиясини қўллашда талабаларнинг вақти ва имкониятларини ижодий, таҳлилий-танқидий ва изчил ёндашувларга йўналтириш имконияти кенглиги аниқ мисоллар асосида тасдиқланди.

7. Таълим босқичларига хос умуммуҳандислик фанларининг мазмуни белгиланди, “Техник механика” ва “Материаллар қаршилиги” дарсликлари, шунингдек, “Қурилиш машиналари ва жиҳозлари”, “Материалшунослик” ва олий техника таълим муассасалари учун мўлжалланган “Материаллар қаршилиги”дан ўқув қўлланмалар, бир неча методик ишланмалар ўқув адабиётларининг янги авлоди тарзида яратилди ва амалиётга жорий этилди.

8. Тадқиқотчи томонидан яратилган “Материаллар қаршилиги” дарслигининг бошқа адабиётлардан фарқли жиҳатлари очиқ берилди, хусусан:

“Ички кучларнинг эпюралари” модули алоҳида модуль (боб) сифатида ёритилган бўлиб, унда кафолатли натижаларга йўналтирилган 5 та мақсад аниқ белгиланганлиги;

модулли ва компьютерли таълим технологияларини биргаликда амалиётга жорий этиш натижасида таълим оловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияси уйғунлашиб бориши баробарида кўп оралиқли ва мураккаб юкланишли конструкция қисмлари учун бир вақтнинг ўзида куч ва деформация омилларининг эпюраларини MS Excel ва Mathcad ўқув дастурлари ёрдамида қуриш ҳамда олинган натижаларни текшириш ва асослаш имкониятлари кенгайганлиги;

муҳандислик амалиёти муаммоларини ҳал этишда уларга статик, геометрик ва физикавий томонлардан мантиқий-таҳлилий ёндашилиб, ўрганиш натижаларини аниқ математик аппарат ёрдамида синтезлаш методини хусусийликдан умумийликка йўналган ҳолда, барча оддий ва мураккаб деформация модулларига татбиқ этиш механизми изчиллиги;

анъанавий ва ноанъанавий таълим моделлари уйғунлаштирилган ҳолда, қўлланиши таълим-тарбия беришнинг ўзига хос жиҳатлари, афзалликлари,

таълим сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши мисол-масалалар ечиш жараёнида илмий-педагогик жиҳатдан асосланганлиги тасдиқланди.

9. Таълим амалиётида 2004 йилдан буён фойдаланилаётган ёки эндигина нашр қилинган техника таълими йўналишлари янги авлод ўқув адабиётлари сифати ва самарадорлигини барча мониторинг ва баҳолаш параметрларининг аҳамиятлиги даражасига бир хил муносабатда ёндашган ҳолда, баҳолашга йўналтирилган “Дарслик яратишда назарий экспертиза” ва “Дарсликдан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизмларининг илмий-амалий жиҳатлари асосланди.

ТАКЛИФЛАР

Тадқиқот якунида олинган илмий хулосалар асосида қуйидаги таклифлар билдирилди:

- ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш самарадорлигини ошириш мақсадида фан-техника, технология шиддат билан ривожланаётган шароитда тажриба-синов ишларини узлуксиз жараёнга айлантириш; дарсликларда муайян фаннинг тадрижий ривожланиш тарихига доир ўқув материаллари мазмун-моҳиятини таълим олувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишларига йўналтириш; дарсликларни алоҳида шахсларга эмас, балки ДТС ва ТТС талаблари асосида муайян фаннинг мазмун-моҳиятини тўлақонли баён этишга мўлжаллаб яратиш;

- муҳандислик фанларини компетенциявий ёндашув асосида ўзлаштириш тизимини такомиллаштиришдаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида таълим-тарбия жараёнларини режалаштиришда инновацион таълим технологияларни тўғри танлаш ва лойиҳалаштириш баробарида дарс жараёнини яхлит ҳолатда яққол кўра билиш ва уни фикран тўлиқ тасаввур эта олиш; ўқув-меъёрий ҳужжатларда фанлар кесимида компетенцияларни аниқ белгилаш ва таълим жараёнида уларга қатъий амал қилиш; малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқувларида таълим берувчиларга “Таълимда компетенциявий ёндашув” мавзусида кўпроқ ўқув-тренинг машғулотлари ташкил этиш;

- билимни пухта эгаллаш, амалий кўникма, малака ва компетенцияларни босқичма-босқич шаклланишига ундовчи ўқув-билиш материаллари: схолостик тарзда ёдлаб ёки эслаб қолишга эмас, балки фаол фикрлаш, ўрганилган ва ўзлаштирилган ўқув материалларининг мазмун-моҳиятини чуқур англашга йўналтирилган масалалар, мустақил таълим топшириқлари тўплами, муаммоли мулоқатларга йўғрилган давра суҳбатлари учун намунавий назорат саволлари ва топшириқларни дарсликнинг асосий таркибий қисми сифатида қараш.

ТАВСИЯЛАР

Тадқиқот давомида:

- шахснинг ўзлаштириш қобилиятига кўра, таълимда узлуксизлик-узвийлик талабларига мос ҳолда, юксак илмий-педагогик салоҳиятлар ва дидактика тамойиллари асосида ўқув-билиш материалларини муайян қисм-бўлақларга ажратиш, қўшимча параграфлар киритиш, шунингдек, мураккаблик даражаси юқори ўқув-билиш материалларини илова тарзида баён этиш;

- ўқув адабиётларининг ДТС ва ўқув дастурига мослигини аниқлаш механизми ҳамда ўқув адабиётлари тузилиши ва мазмунига қўйиладиган педагогик-дидактик талаб ва мезонларни мунтазам такомиллаштира бориш;

- умумкасбий фанлардан ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш технологияларини такомиллаштиришда ўқув-билиш материалларини муаммоли баён этишга йўналтирилганлиги ҳамда бу ёндашув модулли таълимнинг мотивация, когнитив визуаллик ва ўқув вақтини тежаш тамойилларга мос келишини инобатга олиш;

- динамик юкланган бино, иншоот ва машина-механизмларда тебранишлар туфайли резонанс ҳодисаси юзага келиши оқибатида конструкция қисмларида ҳосил бўладиган куч ва деформацион омилларнинг кескин “кўчкисимон” ошиб кетишини, уларни статик юк ва инерция кучи таъсиридан ҳосил бўладиган кучланишлар билан солиштириш ҳам фойдасизлигини ҳамда резонанс ҳодисаси муҳандислик амалиётида ўта хавфлилиги боис унга мутлақо йўл қўймаслик ҳолатларини аниқ мисол-масалаларда тушунтириш;

- “Дарслик яратишда назарий экспертиза” ва “Дарсликдан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланишнинг амалий экспертизаси” механизмларини аниқ, табиий ва касбий-техникавий йўналишлардаги умумтаълим фанлардан яратилган янги авлод адабиётларининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш мақсадида педагогик амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.T.03.04
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НАБИЕВ АБДИМИТАЛ

**ТЕХНОЛОГИИ СОЗДАНИЯ УЧЕБНИКОВ НОВОГО
ПОКОЛЕНИЯ И МЕТОДИКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
В ПРАКТИКЕ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ
(на примере предметов “Сопротивление материалов”
и “Техническая механика”)**

**13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером DSc B2021.1. DSc/Ped135.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу (tadqiqotchi@tdtu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант:	Каримов Камолхон Аббасович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Курбонов Мирзаахмад доктор педагогических наук, профессор Норхуджаев Файзулла Рамазанович доктор технических наук, профессор Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна доктор педагогических наук, в.и.о.профессор
Ведущая организация:	Навоийской государственной педагогический институт

Защита диссертации состоится « 7 » сентября 2021 года в 14-00 часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.12.2019.T.03.04 при Ташкентском государственном техническом университете (адрес: 100095, город Ташкент, улица Университетская, 2. Тел. / факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 218). Адрес: 100095, город Ташкент, улица Университетская, 2. Тел. / факс): (99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz

Автореферат диссертации разослан « 21 » августа 2021 года.
(реестр протокола рассылки №126 от 21 августа 2021 года).



Ю.Г.Махмудов
Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

И.Дж.Тураходжаев
Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

С.М.Хасанов
Председатель Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, к.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой образовательной системе в процессе создания учебной литературы нового поколения, ориентированного на содержание, форму качество и эффективность обучения, аналитически изучены и внедрены в образовательный процесс теоретико-методологические аспекты современных образовательных технологий. В принятой на международном форуме Организацией Объединенных Наций (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ) декларации образования до 2030 года признана необходимость повышения качества образования, и координации и мониторинга получения личностью образования на протяжении всей жизни, в процессе подготовки квалифицированных, конкурентоспособных кадров возникает необходимость повышения качества и эффективности применения современных знаний, опыта, образовательных технологий, инновационных и интерактивных методов, дидактических средств образования, информационных технологий.

В главе 12 “Техническое, профессионально-техническое и высшее образование, образование взрослых” указанного выше международного документа признаны три ступени образования. В условиях интенсивного развития темпов жизни, глобализации международного рынка труда, высоких технологий, всемерной информатизации, цифровизации реальных секторов экономики проводятся научные исследования по гарантированию самостоятельного и системного получения образования личностью наряду с формированием и совершенствованием своих знаний, практических навыков и компетенций не только для всей жизни, а на протяжении всей жизни. В мировой практике наряду с научным анализом педагогических проблем в образовательных учреждениях в теории и практике образования на основе компетентностного подхода актуальность приобретают исследования в области совершенствования требований, предъявляемых к новому поколению учебной литературы, как методологические, дидактические, логической целостности, связи с практикой.

В нашей стране наряду с совершенствованием материально-технической базы системы высшего образования созданы нормативно-правовые основы использования в образовательном процессе зарубежного опыта и организации филиалов престижных зарубежных высших образовательных учреждений (ВОУ). Учреждены филиалы ВОУ таких стран, как США, Россия, Франция, Южная Корея, Китай, Япония, Италия, Турция, Индия, Беларусь, Латвия; совместные факультеты, образовательные центры. Налаживается деятельность новой системы профессионального образования: техникумов, колледжей, профессиональных школ. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена приоритетная задача “повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания...”. В результате, особое значение приобретает создание нового

поколения учебной литературы, применяемого в процессе обучения-воспитания на основе перспектив социально-экономического развития, современных достижений науки и техники, а также совершенствование механизма их практического применения.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года и №ПП-4623 «О мерах по дальнейшему развитию сферы педагогического образования» от 27 февраля 2019 года, Посланиях Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису от 24 января и 29 декабря 2020 года, также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. В ведущих образовательных учреждениях мира в соответствии с принятой ООН (ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ и др.) новой концепцией образования до 2030 года, в рамках “Технического, профессионально-технического и высшего образования, образования взрослых” проводятся научно-практические исследования и осуществляется системный мониторинг подготовки конкурентоспособных кадров в соответствии потребностям рынка труда, а также решения жизненно важных проблем в процессе цифровизации реальных отраслей экономики, внедрения высоких технологий, глобальной информатизации, в соответствии с принципом “формирование и совершенствование своих знаний, практических навыков и компетенций на протяжении всей жизни”.

Научно-исследовательские работы, связанные с теорией и практикой образования; теоретико-методологическими и организационно-педагогическими концептуальными основами управления качеством образования; научно-педагогическими и дидактическими основами создания нового поколения учебной литературы; технологией создания электронных учебников; возможностями дистанционного обучения; использованием инновационных педагогических и информационно-коммуникационных технологий проводятся в ведущих образовательных учреждениях мира, в частности, в Massachusetts Institute of Technology (MIT), Stanford University, University of Connecticut of civil engineering, California Institute of Technology, New Jersey Institute of Technology, Bunker Hill Community College, Lane Community College (США), University of Cambridge, University of Oxford, University of Manchester (Великобритания), Technische Universität Dresden, Technische Universität Darmstadt, Technische Hochschule zu Darmstadt

(Германия), École Polytechnique (Франция), Delft University of Technology (Нидерландия), Technical University of Denmark (Дания), University of Tokyo, Kyoto University (Япония), Tsinghua University (Китай), Korea Advansel Institute of Science and Technology (Южная Корея), National University of Singapore (Сингапур), University of Melbourne, Newcastle University (Австралия), а также высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских центрах стран СНГ.

Наряду с научным исследованием теоретико-методологических, научно-педагогических и дидактических основ создания нового поколения учебной литературы для технических ВУЗ созданы учебники “Mechanics of Materials” (University of Connecticut of civil engineering, New Jersey Institute of Technology) и “Theoretischen Mechanik” (Technische Universität Darmstadt), используемые в подготовке инженерных кадров в области машиностроения, строительства и транспорта; разработана технология создания электронных учебников, также возможности дистанционного образования, информационно-коммуникационные технологии и методика пользования ими в образовательном процессе (Effect reinforcement of loadbearing capacity of structural glass, Universite of California – Los Angeles, Case Study Method for Design Research, Mechanical Engineering Clemson University Clemson, New York, State of the Art and Future Trends in Material Modeling, University of Manchester, Using Assisment to Foster Creativity, World Scientific – Singapure, Инженерные расчеты в Mathcad (электронный ресурс) БНТУ, – Минск, Сопротивление материалов на базе “Mathcad” (+CD-КОМ) – Санкт-Петербург, Учебно-компьютерные программы при преподавании дисциплин “Сопротивление материалов” и “Строительная механика” – Томский ГАСИ).

Степень изученности проблемы. В нашей стране теоретико-методологические, организационно-педагогические концептуальные основы управления качеством образования, научно-педагогические проблемы и направления подготовки кадров научно обоснованы в работах ученых педагогов, как Ш.Э.Курбанов, Э.Сейтхалилов, Х.Саидов, Р.Ш.Ахлиддинов; теория и практика профессионального образования, проблемы профессионально-педагогической деятельности – в работах Р.Х.Жураева, К.Т.Олимова, З.К.Исмоиловой, А.Р.Ходжабоева, Н.А.Муслимова, Н.И.Тайлакова, Х.Абдукаримова, Н.Уразова, С.Ю.Ашуровой, М.А.Давлятова и др.

Совершенствование, формирование вновь, внедрение в практику учебных программ, критерии оценки учебников, проблемы, ожидающие своего решения в теории и практики образования всесторонне изучены учеными педагогами, как У.К.Мусаев, Р.Г.Сафарова, Д.Шодиев, М.Рихсиева; теоретические и практические основы, педагогические условия повышения эффективности применения в образовательно-воспитательном процессе информационно-коммуникационных технологий, а также научно-методические требования к созданию электронных учебно-методических пособий изучали Р.Х.Жураев, Н.А.Муслимов, Ф.М.Зокирова, А.А.Абдукодиров, А.Р.Ходжабоев,

Н.И.Тайлаков, Г.А.Расулова и др.

Заслуживают внимания фундаментальные научно-исследовательские работы в области научно-педагогических и дидактических основ создания нового поколения учебной литературы, технологии создания электронных учебников, возможностей дистанционного обучения, теоретико-методических основ оценки качества учебников ученых-педагогов, как К.Т.Олимов, Н.И.Тайлаков, Р.Г.Сафарова; в области теории и практики инновационных образовательных технологий – Н.Х.Авлиякулов, К.Т.Олимов, Р.Ж.Ишмухаммедов, Н.Сайидахмедов, У.Толипов, М.Усмонбоева и др.

Ученые-педагоги из стран СНГ: С.Антонова, В.П.Беспалько, М.А.Дубик, А.Кусанов, И.М.Осмоловская, В.М.Розин, А.В.Хуторской, Е.А.Пичкурина, В.С.Зайцев, Е.В.Завалишин, Г.К.Селевко, Е.Н.Овчинникова, М.А.Федорова, М.Г.Савельева и др. проводили научные исследования в области создания нового поколения учебной литературы, применения инновационных педагогических и информационно-коммуникационных технологий; Н.А.Королькова, Г.М.Ицкович, Т.П.Мартынова, П.С.Иванов, А.А.Поляков, В.А.Шапкина, О.Ф.Машошин, Е.Г.Макаров, И.Д.Краснокутский, Н.Я.Луцко, Э.А.Кочетова, В.Д.Бердяев, Г.С.Егодуров, О.В.Егоров, Б.А.Тухфатуллин – непосредственно методики преподавания общеинженерных дисциплин, актуальных проблем применения программы Mathcad.

Также значимы научно-педагогические поиски зарубежных ученых педагогов, как James T. Boyle., Joshua D. Summers., Cropley A., Cropley D., Drapeau Patti., Wilhelm Schell., Allen J.H., Assmann B., Selke P., Ansel C. Ugural, Beer F.P., Johnston E.R., De Wolf J.T., Mazurek D.F., James M. Gere., Gere J., Timoshenko S., Hibbeler R.C., Nash, W.A., Green D., John T. De Wolf, непосредственно касающиеся темы, посвященные совершенствованию технологий создания учебников и методики пользования ими на практике.

Связь диссертации с государственными программами или планами научно-исследовательских работ. Результаты исследования использованы при выполнении прикладного проекта ПЗ-2016-0905173317 “Разработка и внедрение механизма обеспечения преемственности общего среднего и профессионального образования посредством эффективной профессиональной ориентации учащихся” (2016-2018 гг.) плана научно-исследовательских работ Узбекского научно-исследовательского института педагогических наук.

Цель исследования состоит в определении, научно-педагогическом обосновании и внедрении в практику методики применения путей совершенствования образовательных технологий при создании учебной литературы нового поколения в образовательно-воспитательной практике в процессе технического, профессионально-технического и высшего образования на основе дидактического и компетентностного подходов.

Задачи исследования:

внедрить результаты аналитического изучения сущности и содержания действующих дидактических принципов создания учебника в процесс формирования учебников нового поколения для технических образовательных

учреждений;

научно обосновать, что формирование профессионально-педагогического мастерства, непосредственно относящегося к техническим направлениям образования, является основным личным качеством развития компетенций квалифицированных, конкурентоспособных специалистов;

научно обосновать на примере дисциплин “Сопротивление материалов” и “Техническая механика” формы, суть и содержание классификации факторов, оказывающих влияние на основные компоненты профессиональной компетенции, которыми должны овладеть обучаемые и воспитуемые в рамках общепрофессиональных дисциплин;

принимая во внимание статус названных дисциплин в инженерной практике, разработать модель целостной системы образовательной технологии и научно интерпретировать её теоретические и практические аспекты;

произвести анализ с научно-педагогической точки зрения, форм и методов обучения и воспитания по общетехническим дисциплинам, усовершенствовать методику обучения на основе модульной технологии, создать учебник нового поколения по дисциплине “Сопротивление материалов” и методику его применения, внедрить в учебно-воспитательную практику, а также усовершенствовать механизмы оценки качества и эффективности учебников.

Объект исследования – процесс подготовки квалифицированных конкурентоспособных кадров в системе профессионального и высшего образования технического направления, дальнейшего совершенствования содержания и качества профессионально-педагогической компетентности на примере обучения и воспитания по дисциплинам “Сопротивление материалов” и “Техническая механика”.

Предмет исследования – формы, методы, средства и пути подготовки квалифицированных, конкурентоспособных кадров в системе профессионального (среднее профессиональное и среднее специальное) и высшего образования технического направления в условиях информатизации системы образования, совершенствования содержания и качества профессионально-педагогической компетентности по дисциплинам “Сопротивление материалов” и “Техническая механика”.

Методы исследования. Исходя из цели и задач исследования, применялись следующие теоретические, экспериментальные и корреляционные методы: изучение и сравнительный анализ научно-теоретических, психолого-педагогических, логических, научно-методических источников, моделирования (проектирования), социометрические (анкетирование, тестирование, опрос, интервью); непосредственного и опосредованного педагогического наблюдения; педагогический эксперимент; анализ и обобщение результатов с помощью методов математической статистики.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

разработаны на основе требований дидактического и компетентностного подхода к использованию инновационных технологий в образовательно-воспитательном процессе два дидактических принципа создания учебников

нового поколения;

разработано и впервые обосновано с научно-педагогической точки зрения, и определено 4 преемственных по сути и содержанию основных дидактических принципа;

